

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

КАФЕДРАСИ

А. Сиддиқов

**МАВЗУ: РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ.**

РЕФЕРАТ

5380100-«ЮРИСПРУДЕНЦИЯ» бакалавр йўналиши талабалари учун

НАМАНГАН – 2011

Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ва ўрганишда хўжалик (тадбиркорлик) муҳим ўринни эгаллайди. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи билан тартибга солувунувчи рақобат бозор иқтисодий тизимининг ажралмас қисмидир. Ривожланишда рақобатнинг ижобий таъсири ва деярли барча бозорларда рақобатни юқори даражада таъминлаш зарурлиги шубҳасиздир.

Рақобат асосий иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, моддий неъматларни тақсимлаш, истеъмолчиларнинг манфаатларини қаноатлантиришнинг оқилона воситасидир. Рақобат зарур даражада ўзини ўзи тартибга солишга қодир эмас. Шу сабабли бозор оқилона фаолият кўрсатиши учун рақобат шароитларида мавжуд муносабатларни махсус қонун билан тартибга солишни талаб этади.

Ушбу реферат – хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи фани бўйича талабаларнинг билим, кўникма, ва малакаларига қуйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи фанидан рақобатнинг ҳуқуқий асослари ва монополистик фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган бўлиб, олий ўқув юртларининг 5380100-«юриспруденция» мутахассисликлари учун мўлжалланган.

Такризчилар:

Акаева М.

НамДУ ҳуқуқшунослик кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди.

Маматожиёв Т.

Наманган вилояти Хўжалик суди судьяси.

МАВЗУ: РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ.

Режа

Кириш

1. Рақобат тушунчаси.
2. Рақобатнинг ҳуқуқий асослари.
3. Монополистик фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш.

Хулоса

«Агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий – сиёсий ва суд – ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»¹.

Ислом Каримов

Кириш.

Рақобат бозор иқтисодий тизимининг ажралмас қисмидир. Ривожланишда рақобатнинг ижобий таъсири ва деярли барча бозорларда рақобатни юқори даражада таъминлаш зарурлиги шубҳасиздир.

Рақобат асосий иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, моддий неъматларни тақсимлаш, истеъмолчиларнинг манфаатларини қаноатлантиришнинг оқилона воситасидир. Рақобат зарур даражада ўзини ўзи тартибга солишга қодир эмас. Шу сабабли бозор оқилона фаолият кўрсатиши учун рақобат шароитларида мавжуд муносабатларни махсус қонун билан тартибга солишни талаб этади.

Собиқ иттифоқ даврида иттифоқ қонунчилиги рақобат муносабатларини тартибга солишни лозим даражада эътибор берилмас эди. Ишлаб чиқариш фақатгина режа асосида олиб борилар эди. Инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш ҳақидаги нормалар миллий ҳуқуқий тизимга биринчи марта совет даврида киритилди. Ўша пайт иқтисодиёт маъмурий-буйруқбозлик хусусиятига эга, том маънода рақобат ва бозор мавжуд бўлмаса-да, совет ҳуқуқига инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш ҳақидаги нормалар киритилди.

Рақобат ҳамма учун ҳамма жойда керакдир. Бизга маълумки, рақобат бўлмаса, интилиш, ривожланиш бўлмайди. Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларини тўлароқ юзага чиқариш, яъни яхши даромад топиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, ўз қобилятини намоён этиш учун бошқалар билан курашишидир.

1. Рақобат тушунчаси.

«Рақобат – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мусобақалашуви бўлиб, бунда улар ўзларининг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент. “Ўзбекистон”. 2010-й. 22-б.

бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятларини чеклайди»^{2[7]}.

Тадбиркорлик эркинлиги хўжалик юритувчи субъектларга ўз хоҳишига кўра ресурсларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини яратади. Ҳар бир тадбиркор мавжуд ижтимоий талабдан қатъий назар, ўзи учун фойдали деб ҳисоблаган соҳаларда ҳаракат қилади. Бироқ, сотиб олувчи, истеъмолчи ҳам худди шундай эркинликларга эгадир. Одатда, бозор муносабатлари ривожланган давлатларга уларидаги эҳтиёжнинг энг юқори ва паст даражаси маълум бўлмайди. Товарларни муайян тартибда ва шаклда реализация қилишнинг ҳеч қандай талаби мавжуд эмас. Нимани, қаерда, кимдан ва қандай баҳода сотиб олишни фақат истеъмолчи ўзининг хоҳиши ва тўловга қобилиятлилигига қараб ўзи белгилайди.

Бу борада бозор муносабатларининг барча иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган алоқалар рақобат орқали муайян бир тизимга келтирилади. Рақобатчилик курашига нафақат ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар жалб қилинадилар. Балки, шунингдек, сотувчилар ва харидорлар ҳамда харидорларнинг ўзаро рақобати ҳам мавжуд. Сотувчилар ўртасидаги рақобат бозорда товарни камайтириш билан ортиб боради ҳамда товарнинг йўқ бўлиш эҳтимолини пайдо бўлиши янада кучаяди. Аксинча, бозор муайян товар билан тўла бўлган пайтда харидорлар ўртасида бунга нисбатан ҳеч қандай рақобат бўлмайди. Бозор иқтисодиёти учун, энг муҳими – бозорни эгаллаш учун, кўпроқ харидорларни ўз томонига оғдириб олиш учун ишлаб чиқарувчилар ўртасида юзага келадиган рақобатдир. Айнан шу ерда бошқа рақобатлар учун асослар яратилади. Сотувчилар ва харидорлар, шунингдек харидорларнинг ўзлари орасидаги рақобат фақатгина бошқа ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро рақобатга киришиш натижасида ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган товар мавжуд бўлган ҳоллардагина амалга ошиши мумкин.

Тадбиркорлар фаолиятини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Рақобат инсон фаолиятининг деярли барча турларида учрайди. Рақобатда рақобатлашаётган тарафлар ягона мақсад учун ўзаро беллашадилар. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар товарларни ишлаб чиқариш ва сотишда бир-биридан яхши шароитларни яратиш мумкин қадар кўпроқ фойда олишга интилади. Рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти эркин бўлади, яъни истаган товарлар бозорида фаолият кўрсатишлари ва улардан ўз хоҳишлари бўйича чиқиб кетишлари мумкин. Рақобат ривожланган сари одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб боради, рақобатнинг йўқ қилиниши эса иқтисодиётни инкирозга ҳамда одамларнинг турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Фақатгина рақобат воситасида нархи арзон ва сифати юқори бўлган товарлар ишлаб чиқилади ҳамда реализация қилинади. Инсофли рақобатда хўжалик юритувчи субъект ахлоқ-одоб, иш муомаласи одатлари ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имконияти ўзаро мусобақалашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли объектив равишда мумкин бўлмай қолади.

Рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектлар қанчалик ҳаракат қилишмасин улар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиша олмайди.

Товар ишлаб чиқарувчилар юқори рақобатбардошликка эришиш учун ишлаб чиқариш жараёнида моддий техника, молия ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Улардан самарали фойдаланиш эса жамият манфаатларига ҳам мос келади, чунки ресурслар ёки бошқача айтганда, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситалар ҳар қандай жамиятда чекланган.

^{2[7]} Ўзбекистоннинг янги қонунлари № 15. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун. –Т.: Адолат, 1997. 3-модда.

Бозорда фирмалар ресурсларни арзон олиш ва товарларни қимматроқ сотишга интиладилар ҳамда фойдани кўпроқ олиш учун курашадилар. Харидор молларни бозорда арзон олмоқчи бўлса, сотувчи қимматроқ пуллашга ҳаракат қилади.

Рақобатда аниқ мақсадлар қандай бўлмасин, натижа даромад орттиришдан иборат. Шу сабабли рақобатда барча иқтисодий фаол кишилар қатнашадилар. Рақобат курашида енгиб чиқиш ёки мағлуб бўлиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда ҳозирланади. Аммо рақобат курашида ўз товарига харидор топа билиш ҳам энг муҳим масалалардан биридир.

А.Ўлмасов ҳалол рақобатга қуйидагича таъриф берган: “Қонуний йўл берилган ва ҳамма тан олган, инсоний усуллар билан ўзаро беллашувидир”^{3[8]}.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда товар сифатини ошириш орқали рақобатлашув катта аҳамият касб этади, чунки аҳолининг харид қобилияти юқори бўлиб, қиммат товарларни сотиб олишга ҳам қурби этади. Товар сифатини ошириб бориш доимий равишда товарлар таркибини янгилаб туришни ҳам талаб этади.

Ҳалол рақобатда хўжалик юритувчи субъект ахлоқ-одоб, иш муомаласи одатлари ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имкониятлари мусобақалашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўп бўлганлиги туфайли объектив равишда мумкин бўлмай қолади.

Рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, улар бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиша олмайди. Чунки рақобат узлуксиз кечадиган жараёндир. Хўжалик юритувчи субъект рақобатда енгиб чиқиб устун мавқега эга бўлганда ҳам, уни бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиши антимонопол қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилган. Ушбу қонун ҳужжатларига риоя этмаслик хўжалик юритувчи субъектни молиявий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олади.

Инсофли рақобатда хўжалик юритувчи субъектнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имкониятлари ҳам объектив, ҳам субъектив таъсир этишнинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланган сабабларга кўра чекланган бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини демонополизациялаштириш ва рақобатни шакллантириш жараёнида марказлаштирилган режали иқтисоддан, бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошларида мавжуд бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий шароитини ҳисобга олиш керак. Ижтимоий-иқтисодий тизим инекцияли бўлганлиги учун аниқ ишлаб чиқилган концепция ва дастурларсиз бир низомдан иккинчисига тез ўтиб бўлмайди.

2. Рақобатнинг ҳуқуқий асослари.

Собиқ иттифок иқтисодиётида монополизациянинг ҳаддан ташқари юқори даражадаги ва хусусий мулкчиликнинг йўқлиги бозор ташкил қилиш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлида асосий тўсиқ бўлди. Бу ҳолатни бартараф этиш, яъни рақобат муҳитини яратиш учун эркин рақобатни ҳимоя қилиш ва монополияни чеклашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий меъёрий актлар тизимини яратиш энг муҳим масалага айланди. Бу борада биринчи Россияда ислохотлар амалга оширилди.

Россия ҳуқуқий тизими умумий ва махсус қонунлар ва қоидаларга мувофиқ ҳуқуқий актлар шаклида намоён этилган қонунчиликнинг шаклланиши йўлидан кетди. Хусусан, 1991 йил 21-мартда «Товар бозорида рақобат ва монополиядан чеклаш тўғрисида»^{4[9]}ги РСФСР қонуни қабул қилинди, кейинчалик қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Бизнинг республикамызда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тўғрисида»ги қонун 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

^{3[8]} А.Ўлмасов. «Иқтисодиёт асослари». –Т.: Адолат, 1997. 94-б.

^{4[9]} Сборник законов № 8. ст.22 РСФСР. 1995.

Лекин бугунги кунга қадар қонунга ўзгартириш ҳам қўшимчалар ҳам киритилмаган. Бу ҳолатлар бизнинг республикамиз таянчи бўлган тадбиркорлик фаолиятини маълум маънода чеклашга олиб келади. Чунки ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш, четдан товар олиб келиш жадал ривожланмоқда. Товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлар бугунги кунга келиб чет элларда ишлаб чиқариладиган товарлар билан рақобатлаша оладиган товарлар ишлаб чиқармоқда. Бугунги кун тадбиркорлари мустақилликни биринчи йили тадбиркорларидан кўра анча ўз ҳуқуқини биладиган ва замонавий билимга эга бўлган тадбиркорлардир. Ягона иқтисодий кенглик товар, хизмат ва молиявий воситаларининг эркин қўчиши, эркин иқтисодий фаолият ва рақобатнинг кафолати конституциямизда белгилаб берилган. Конституциямизнинг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, деб мустаҳкамлаб қўйилган”^{5[10]}.

Бизнинг республикамизда монополистик фаолият ва фирром рақобат фаолиятини чеклаш билан боғлиқ 2 та қонун қабул қилинган. Хусусан, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ҳамда “Табиий монополия тўғрисида”ги қонунлар асосида тартибга солинади.

Агарда монополистик фаолиятни ва инсофсиз рақобатга қарши кураш ҳолатлари, ҳалол рақобатни йўлга қўйиш ва тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишни инобатга олиб конституциямизда белгилаб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Эркин рақобатни мустаҳкамлаш ва монополия ҳукмронлигини чеклашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун, 1999 йил 19 августдаги “Табиий монополия тўғрисида”ги қонун, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”қонун, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Реклама тўғрисидаги” қонунлар шулар жумласидандир. Товар ва хизматлар бозорида рақобат ва монополистик фаолиятни назорат қилувчи ҳуқуқий меъёрий актлар тизимига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси алоҳида нормалари ҳам киради. Фуқаролик кодексига асосан фуқаролик ҳуқуқлари рақобатни чеклаш учун қўлланишга йўл қўймайди.

Юқорида санаб ўтилган қонунларнинг энг асосийси “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. Ушбу қонун монополистик фаолиятни чеклаш ва фирром рақобатни амалга оширишни чеклаш ва огоҳлантиришни нафақат ташкилий, балки ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, шунингдек, товар бозорининг самарали фаолиятини ва қулай шароитлар яратилишини таъминлайди. Ушбу қонуннинг қўлланилиш доираси жуда кенгдир, яъни унинг меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг товар бозорларидаги рақобатга таъсир қилувчи шахслар орасидаги муносабатларда кенг тарқалган. Ушбу шахслар асосан маҳаллий ва хорижий юридик шахслари, ижро этувчи ҳокимиятнинг органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний шахслар ва тадбиркорлардир.

“Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун мустақил ҳуқуқларга эга бўлган объектлар билан боғлиқ муносабатларда қўлланилмайди.

Рақобат ва монополияни тартибга солишчи анти монополия қонунлари қаторига Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши органлар буйруқ ва инструкциялари ҳам муҳим роль ўйнайди.

^{5[10]} Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-б. 3-бўлим, 53 модда.

Ҳар қандай давлат бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос йўлни танлайди, лекин бирор бир давлат бозор қонуниятларини четлаб ўта олмайди. Бозор муносабатларида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектлари ўз олдиларига фойда олишни мақсад қилиб қўядилар. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин. Лекин хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти давлат томонидан доимо ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини тақозо этади. Акс ҳолда тадбиркорлар ноқонуний ҳаракатлари билан давлат иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин. Ушбу ҳаракатлардан бири жисмоний ёки юридик шахсларнинг монополистик фаолиятдир.

Монополистик фаолият деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатчи йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир^{6[11]}.

“Монополистик фаолият тадбиркорликка салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири бўлиб, истеъмолчига, одамларнинг манфаатларига зарар етказади”^{7[12]} деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Рақобат билан монополистик фаолият бир-бирига зид тушунча бўлгани билан айрим ҳолларда бири иккинчисини келтириб чиқармаслиги керак.

Монополистик фаолият рақобатга тўсқинлик қилиши, уни чеклаш ёки бутунлай йўқ қилиш билан боғлиқ муносабат бўлганлиги учун ўзининг субъект таркибига эга. Унинг субъект таркиби кенгрок бўлиб, унга хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

Монополистик фаолиятни чеклаш ҳамда рақобатни ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда монополияга қарши курашиш монопол фаолиятини чеклаш ва рақобат сиёсатини шакллантириш уни амалга ошириш ҳаракатларини бошланиши бўлиб, ушбу соҳада чет эл тажрибасини ва республика иқтисодиётини ўтиш давридаги ҳолати ҳамда мавжуд ҳуқуқий тизимнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш ўз навбатида монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш ва рақобатни ривожлантириш заруриятини юзага келтирди. Бу масала 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунда кўрсатилиб утилган.

Қонунда асосан икки мақсад кўзланган:

Биринчиси – монопол ҳокимиятга эга бўлган корхоналар томонидан бозордаги яқка ҳокимлик мавқеини суиистеъмол қилмаслик ва уни олдини олишни, олдингисидан тубдан фарқ қилувчи янги қонунни ишлаб чиқиш;

Иккинчиси – бу ҳар бир соҳада монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини яратишдир.

Давлатнинг монополизмга қарши сиёсати рақобат муносабатларини такомиллаштиришда ғоят муҳим воситадир. Бу воситаларни профессор Н.Бекнозов урта ҳолатга ажратган:

1. Айрим фирмалар томонидан бозорни эгаллаб олинишига қарши курашни;
2. Фирмалар ўртасидаги бозор механизмлари ҳаракатини чеклаш мумкин бўлган яширин келишувларни бартараф этишни;
3. Заҳираларнинг иқтисодиёт бир тармоғидан бошқасига эркин ўтиш йўлидаги ғовларни йўқотишни тақозо этади.^{8[13]}

^{6[11]} Ўзбекистон Янги қонунлари тўплами №15-сон. – Тошкент: Адолат, 3-модда.

^{7[12]} Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 34.

^{8[13]} Бекнозов Н. Бозор иқтисодиёти назарияси. Дарслик. –Т.: Университет. 1993.

Бу уч ҳолат келтириб ўтилиши бежис эмас албатта, чунки бугунги кунда бозорларда айрим тадбиркорлар томонидан амалга ошираётган ишлари бозорга кириб келаётган янги субъектлар фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.

АҚШда қўлланилаётган монополизмга қарши қонунчилик амалиётдаги қатъий белгиланган қонунларидан бири ҳисобланади. XIX аср охирида ушбу мамлакат жамоатчилиги стихияли бозор механизмини айрим фирмалар эгаллаб олишдан, уларнинг якка ҳокимликка олиб келувчи келишувларидан ҳимоя қилинмаган деган хулосага келинди. Рақобатчиларнинг иқтисодиётдан ташқари яккаланиши ҳолларининг, бозорларини тақсимлаб олиш ва нархларни ошириш ҳақидаги битимларнинг кўпайиши АҚШ Конгрессини 1890 йилда трестларга қарши биринчи қонунни – “рақобат тизимининг конституцияси” деб ҳам аталадиган Шерман ҳужжатини қабул қилишга олиб келди. Шерман ҳужжати бозорни ўша даврда ҳукмрон бўлган тармоқ монополияларидан ҳимоя қилишни кўзда тутди. Кейинчалик Шерман қонуни АҚШда ҳам бошқа мамлакатларда ҳам монополизмга қарши қонунчиларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, монополизмга қарши қонунчиликни амалга оширишнинг ҳукукий механизми ишлаб чиқилди, у ўз ичига турли давлат муассасалари, парламент, ҳукумат, турли даражадаги судлар фаолиятини қамраб олди». ^{9[14]}

Бундай ҳолатларда шуни англасак бўладики, «Рақобат тизимининг конституцияси» ёки Шерман ҳужжати деб аталадиган бу ҳужжат ўша даврдаги ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва монополистик фаолиятга йўл қўймаслик, ҳалол рақобатни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ёрдам берган.

Монополистик фаолият қуйидаги тўрт кўринишда амалга оширилиши мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиши;
2. Икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаш мақсадидаги келишуви;
3. Давлат бошқарув органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари;
4. Давлат бошқарув органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобатни чеклашга қаратилган келишувдир.

3. Монополистик фаолиятни ҳукукий тартибга солиш.

Субъектнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиши кенг тарқалган монополистик фаолият турларидан биридир. Устун мавқе «Товар бозорлари монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида берилган. Унга кўра «Устун мавқе – ўрнини босувчи бўлмаган товар бозорида ёки бир-биринининг ўрнини босадиган товарлар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсирни кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кириш эркинлигини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқедир. Бозордаги улуши 65% ёки ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади».

Бугунги кунда бозордаги товарнинг улуши 65% ва ундан кўпни ташкил этадиган субъектнинг мавқеи устун деб ҳисобланади. Лекин бозордаги улуши 65% ва ундан ҳам ортиқ бўлгани билан унинг мавқеи устун деб эътироф этилмаслиги мумкин. Бунинг учун субъект рақобатга салбий таъсир, яъни фаолият юритаётган бошқа тадбиркорларга салбий таъсир кўрсатмаётганлигини асослаб бериши лозим.

Бозордаги улуши 35% дан 65%гача бўлган субъект устун мавқега эга бўлмайди. Бироқ монополияга қарши орган томонидан мазкур ҳолат устун мавқе деб эътироф этилиши ҳам мумкин. Бунда тадбиркорнинг бозордаги улушининг барқарорлиги,

^{9[14]} Н.Бекнозов «Бозор иқтисодиёти назарияси» дарслик. –Т.: Университет, 1993. 74-б.

бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг миқдори, мазкур бозорга янги рақобатчиларнинг кира олишлари ва бошқа мезонлар инобатга олинади. 35%гача бўлган улуш устун мавқе ҳолатини келтириб чиқармайди.

Устун мавқени белгилаб берувчи даражада кўрсаткичлар турли давлатларда турли хилдир. Бу бевосита шу давлат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткичлар 10%дан 30%гача қилиб белгилаб қўйилган. Бу бевосита шу давлатларда рақобатнинг ривожланганлигидан ҳамда монополистик фаолиятни йўқлигидан ёки кам даражада эканлигидан далолат беради.

Россияда субъектларнинг бозордаги устунлиги ҳолатидан ғараз ниятларда фойдаланиши доминант хўжалик субъекти ёки бир неча хўжалик субъектларининг товар бозорида ўрнини босувчилар йўқлиги туфайли бозор ҳолатига катта таъсир қилиш имконини берувчи ҳолатдир.

Доминант ҳолат субъектнинг бозордаги улуши 65% ва ундан кўп бўлгандагина тан олинади, агар хўжалик субъекти доминант ҳолатда эмаслигини исботлаб берса, бундан мустасно бўлади.

Лекин хўжалик субъектларининг бозордаги улуши 65%дан кам бўлган ҳолатда ҳам устун ҳолат булиши мумкин. Бундай ҳолатда антимонопол органлар томонидан унинг бозордаги улуши барқарорлиги ва бошқа фирмаларнинг бозорга киришини кийинлаштириши мумкинлигини исботлаши керак.

Агар хўжалик субъекти 35%дан кам бўлса устун ҳолатга эга бўла олмайди.

Россия Федерация «Товар бозорлари монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунда устунлик ҳолатида бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чекловчи, четлаштирувчи ва бунга йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатини тақиқлайди. Бу каби ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳолатига қуйидагилар киради:

1.Бозорда тақчилликни қўллаб-қувватлаш ва яратиш мақсадида жавобгар сонини камайтириш ва бунинг натижасида нархларнинг кўтарилиши;

2.Товар бозорида бир субъектнинг бошқасига нисбатан нотекис ҳолатга туширувчи ҳолатни яратиш;

3.Бозорга кириш (чиқиш) тарафларнинг тўсиқларнинг яратилиши;

4.Монопол даражасида юқори ва паст нархларнинг қўйилиши ва бошқалар.

Рақобатчилар монополистларга айланадилар, ўз ўрнида монополистлар ўзаро рақобатга киришадилар. Эркин бозорда харидор ва сотувчиларнинг танлови, уларнинг сараланишига ва улардан кучлиларнинг монопол бозорини ташкил этишга олиб келади.

Монопол бозор деб, озчилик харидорлар ва сотувчилар ҳукмрон бўлган, монопол нарх ўрнатилган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман бўлмайдиган бозорга айтилади.

Монопол рақобатли бозор сон жиҳатдан кўп бўлмаган, бозорга бир хил, ўхшаш ёки ўринбосар товарлар чиқарадиган фирмалар қўлида бўлади.

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида монопол нархлар турлари кўрсатиб ўтилган. Булар:

1.Монопол қиммат нарх

2.Монопол арзон нарх.

Монопол нарх – бу бозорнинг алоҳида нархи бўлиб, у монопол фойда олиш учун талаб ва таклифдан келиб чиқадиган мувозанат нархга нисбатан юқори ёки паст қилиб белгиланади.

Хулоса

Монопол қиммат нарх – товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларининг тўлалигича фойдаланмаслиги туфайли қилган асоссиз харажатларини қоплаш ёки товар сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олиш мақсадида товарга белгиланадиган нархдир. Монопол қиммат нархга сунъий равишда товар дефицитини вужудга келтириш, ишлаб чиқариш

ҳажмини камайтириш ёки харидорлар талабини сунъий равишда кўпайтириш орқали эришилади.

Монопол арзон нархлар эса товар бозорида устун мавқега эга бўлган харидор томонидан монопол арзон нархни ўрнатилишидан мақсад қўшимча фойда олиш ёки асоссиз қилинган харажатларни сотувчи ҳисобидан қоплашдир. Устун мавқега эга бўлган сотувчи томонидан монопол арзон нархни ўрнатишдан мақсад рақобатчиларни бозордан чиқаришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Каримов И.А. Иқтисодий ислохотлар масъулиятли босқич. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 174-222.
6. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи” 2006 йил 11 февраль.
7. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир // Қишлоқ ҳаёти, 2007 йил 13 февраль
8. И.А.Каримов. Мустақилликнинг 16 йиллик тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Президент Девонининг Қўшма Мажлисидаги маърузаси. Ўзбекистон овози. 2007 йил 31 август.

II. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: “Адолат”. 2003.
3. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. - Т.: “Адолат”, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1996. - 5-6-сон. - 61-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. - 1996 й. -5-6-сон. - 54-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи. 1012 йил, 6 январь.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1998. - 9-сон. -170-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1999. - 1-сон. -14-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1999. 9-сон, 212-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2000. -5-6-сон. -140-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. - 2000 й. -5-6-сон. -142-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -2004. -1-2-сон. -8-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. -23-24-сон. -167-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 20 июндаги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. -25-26-сон. -177-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 24 июндаги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. -25-26-сон. - 178-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги Қарори. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. -23-24-сон. - 168-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 20 августдаги Қарори.//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2003. -15—сон. -167-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги” 2006 йил 24 май ПҚ 357сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами 12-сон. 106-модда

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашга оид кейинги чоратadbирлар тўғрисида”ги 2007 йил 12 январдаги 565-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, 3-сон, 24-модда.

III. Асосий адабиётлар.

1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Отахонов Ф.Х. нинг умумий таҳрири остида-Т. ТДЮИ. 2003,-435б.
2. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Т.: Молия, 2001,-218б.
3. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. Таҳрир хайъати. Ҳ. Раҳмонқулов, Ш. Рўзиназаров ва бошқалар. -Т.:Консаудитинформ, 2002, 1-2 том.
4. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат, 1996,-248б.
5. Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. -М.: “БЕК”, 1994, Том 1-2.
6. Олейник О.М. Предпринимательское (Хозяйственное) право.-М.:Юристь. 2001,Том 1-2.
7. Дўстов У.Н. “Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи”фанидан услубий қўлланма. – Т.:ТДЮИ. 2003,-52 б.

IV. Қўшимча адабиётлар.

1. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. – М.: Статут, 2002.– 1038 с.
2. Губин Е.П., Лахно П.Г. «Предпринимательское право Российской Федерации». – М.:”Юристь”, 2003.
3. Ершова И.В. «Предпринимательское право”. –М.: “Юриспруденция”, 2003.
4. Зинченко С.А., Колесник Г.И. «Предпринимательское право”. – Ростов-на-Дону: “Феникс”, 2003.
5. Предпринимательское право Российской Федерации / Отв. ред. Е.П.Губин, П.Г.Лахно. -М.: Юристь, 2003,- 1001 с.